

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ “ДЎСТЛИК-1” ГИДРОУЗЕЛИНИНГ ТЕХНИК ХОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

А.Аблатова

*Қорақалпоғистон Қишлоқ хўжалиги ва Агротехнологиялар институти”
ассистенти*

Аннотация. Ушбу мақолада охириги 15 йил ичида Қорақалпоғистон Республикасидаги “Дўстлик-1” (аввалги “Развилка”) гидроузелининг техник ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлари ёритилади.

Калит сўзлар: Гидроузел, канал, эксплуатация, гидротехника, назорат-улчов аппаратураси.

Аннотация. В данной статье описаны мероприятия по улучшению технического состояния гидроузла «Достлик-1» (бывшая «Развилка») в Республике Каракалпакстан за последние 15 лет.

Ключевые слова: Гидравлический трубопровод, канал, эксплуатация, гидротехника, контрольно-измерительная аппаратура.

Annotation. This article describes measures to improve the technical condition of the Dostlik-1 (former Razvilka) hydroelectric complex in the Republic of Karakalpakstan over the past 15 years.

Key words: Hydraulic pipeline, channel, operation, hydraulic engineering, instrumentation.

Кириш. Дўстлик 1 гидроузели комплекси Қизкеткен (Дўстлик) магистрал каналининг сув тақсимловчиси бўлиб, Қорақалпоғистон Республикасининг Шимолий зонасидаги энг катта канал ҳисобланиши, Таҳияташ гидроэлектр мажмуасидан пастдаги ўнг қирғокни суғоришни таъминлайди.

Канал 1932 йилда қурилган ва ишга туширилган ва 1959 йилда реконструкция қилинган. Узунлиги 24,2 км, максимал тахмин қилинган ўтказиш қобилияти 350 м³/сек, нормал 274 м³/сек, умумий суғориш майдони 290,9 минг гектарни ташкил этади. (3)

Муоммонинг ҳозирги ҳолати. Тадқиқот қилинган объектнинг жойида чиққан ҳолда ўрганиб, “Давсувхўжаликназорат” давлат инспекцияси томонидан ишлаб чиқилган кадастр хужжати, натура кузатиш ишлари ва хавфсизлик мезонларидан олиб борилади, тўпланган маълумотлар таҳлил қилиниб ва умумий хулосалар қилинди. Мазкур Дўстлик гидроузели хавфсизлик даражаси паст даражада, чунки иншооти пастки бьефида авариялар содир бўлиши эҳтимоллиги юқори. Сабаби асоси грунт деформацияси, бетон конструкциялар бузилиши ёриқлар, синган жойлар ҳамда механик ва электр ускуналарнинг эскириши ҳолатлари мавжуд.

Муоммонинг ечими. Гидроузел эксплуатациясини яхшилашда тавсиялардан фойдаланиш ва эксплуатациясини яхшилаш бўйича чора-

тадбирлар ишлаб чиқилиши Гидроузелни узоқ йиллар ишчи ҳолатда самарали эксплуатация қилинишига эришилади. (1)

Натижалар: Дўстлик-1 гидроузелининг техник ҳолатини яхшилаш бўйичачора-тадбирлари

1-жадвал

Тадбир номи	Бажариш механизми	Кутилаётган натижа
I. Гидроузелни эксплуатациясини яхшилаш бўйича хизматни ташкил этиш		
Гидроузел мажмуасидан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш	Тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда, Дўстлик 1 гидроузел мажмуасидан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш	Гидроузелдан фойдаланишни яхшилашга эришиш
Эксплуатация ташкилотига юклатилган вазифаларини ўз вақтида олиб бориш	Эксплуатация юклатилган вазифаларини гидроузел фойдаланиш қоидалари бўйича амалга ошириб боради	Гидроузел хавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланишнинг узлуксизлигини таъминлашга эришиш
Гидроузелдан фойдаланиш бўлими мутахассисларининг ваколат ва вазифалари аниқ белгилаш	Гидроузелдан фойдаланиш бўлими мутахассислари Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига ва бошқа юқори сув хўжалиги ташкилотларининг қарор, буйруқ ва кўрсатмаларига ҳамда гидроузелдан фойдаланиш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан олиб бориш	Гидроузелдан фойдаланиш бўлими ходимларининг ўзига бириктирилган вазифаларни гидроузел хавфсизлигини таъминлашда муҳумлигини билдириш.
Гидроузелни самарали бошқаришда диспетчерлик графигини тузиш	Гидроузелни, самарали ишлатиш лозим. Айниқса, бизнинг минтақадмизда, яъни ғалла ва пахта экиладиган майдонларда суғориш ишлари деярли йил давомида олиб борилади. Бунинг учун гидроузелни бошқариш каттиқ назорат қилиш керак. Бунга ҳар йили, гидроузелни самарали бошқаришда диспетчерлик графигини тузиш йўли билан эришиш.	Қишлоқ хўжалигига сувни кафолатли ва бетолофат етказиб беришга эришиш.
II. Фавқулодда ҳолатларда гидроузелдан фойдаланиш		
Фавқулодда вазиятларда керак бўладиган захира материаллар, асбоб-ускуналар ва жихозлар	Фавқулодда вазиятларда зарур бўладиган асосий захира материаллар ва жихозларнинг рўйхатини шаклантириш.	Фавқулодда вазиятларда керак бўладиган Захира материаллар, инвентарлар, асбоб-ускуналар, автоматика ва алоқа жихозларини жамлашга эришиш.
Фавқулодда вазиятларда штат ходимларининг ҳаракат схемаси	Фавқулодда вазиятларда штат ходимларининг ҳаракат схемасида гидроузел ходимларидан ташқари маҳалла фуқоралар йиғини, туман ички ишлар бўлими, туман фавқулодда вазиятлар бўлими	

	вакиллари иштирок этиши лозим.	
III. Гидроузелдаги иншоотларнинг техник ҳолати ва жиҳозларни техник ҳолатини кузатиш		
Назорат-улчов аппаратурасини жойлаштириш ва уни назорат қилиш ҳамда кузатишлар бўйича хужжатларни олиб бориш	Гидроузелдаги гидротехник иншоотларда авария ҳолатларининг олдини олиш, ўз вақтида бартараф этиш учун уларнинг техник ҳолати устидан доимий равишда кузатувлар олиб борилади.	Гидроузел хавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланишнинг узлуксизлигини таъминлашга эришиш
Таъмирлаш-тиклаш ишларини режалаштириш ва ўтказиш қоидалари ишлаб чиқиш	Кузатишлар натижалари асосида гидроузелни таъмирлаш ишларини ўтказиш режаси тузилади. Таъмирлаш ишлари жорий, мукамал ва фавқулодда таъмирлашлар ишлари олиб борилади.	
Гидроузелда хавфсизлик мезонларига ишлаб чиқиш	Гидроузелда юз бериши мумкин бўлган авария ҳолатларни келтириш, хавфсизлик мезонларига аниқлик киритиш	
IV. Гидроузелнинг техник ҳолатини яхшилаш		
Гидроузелнинг иншоотларнинг техник ҳолатини яхшилаш	Дўстлик 1 гидроузел мажмуасини реконструкция қилиш масаласини кўриб чиқиш ва таклифлар тайёрлаш	Гидроузел хавфсизлигини таъминлашга эришилади

Хулоса. Гидроузелдаги гидротехник иншоотларда авария ҳолатларининг олдини олиш, ўз вақтида бартараф этиш учун уларнинг техник ҳолати устидан доимий равишда кузатувлар олиб борилади. Кузатишлар натижалари асосида гидроузелни таъмирлаш ишларини ўтказиш режаси тузилади. Таъмирлаш ишлари жорий, мукамал ва фавқулодда таъмирлашлар ишлари олиб борилади. Гидроузел хавфсизлигини таъминлашга эришилади.

Каналларга сув бериш вақтида дарё сувида оқиб келган лойқа-чўкиндилар, муз, хас-хашаклар ва бошқа сузиб юривчи бегона нарсаларни каналларга ўтказмаслик чоралари кўрилади.

Гидроузелни тўлдириш Амударё дарёсидан сув келтирувчи канал орқали амалга оширилади. Дўстлик-1 гидроузели Нукус туманидаги суғориладиган ерларни сув билан таъминлаш учун хизмат қилади. (2)

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида” ги қонунни 20 август 1999 йил, 826-1-сон.
2. Бакиев М.Р., Турсунов Т.Н., Кавешников Н.Т. Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш. Т., 2008й.
3. “Давсувхўжаликназорат” давлат инспекциясининг “Дўстлик-1” гидроузели бўйича ҳисботлари.